

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда қонун устуворлигини қўллаш амалиёти

**ҚарМШИ “Ўзбекистон тарихи”
кафедраси доценти
П. Холиқулов**

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг энг муҳим сиёсий ҳуқуқларидан бири давлат вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидир. Фуқаролар сайлов ҳуқуқи орқали давлатни идора этишда, давлат ҳаётига оид энг муҳим сиёсий масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал этишда иштирок этадилар.

Сайлов тушунчаси вакиллик органларининг овоз бериш йўли билан ташкил этиш тартибидир. Вакиллик органларини сайлаш жараёнида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар Ўзбекистон давлат ҳуқуқининг муҳим институти бўлиб, сайлов ҳуқуқи деб аталади.

Сайлов ҳуқуқи фуқаронинг сайловдаги иштироки, вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш субъектив ҳуқуқи ҳамдир.

Сайлов ҳуқуқи сайлаб қўйиладиган давлат органларини шакллантиришни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар тизимидир. Сайлов ҳуқуқининг манбалари Конституция, давлатнинг олий ва маҳаллий вакиллик органларига сайловлар ҳақидаги қонунларидир.

Ўзбекистон Республикаси давлат вакиллик органларига сайловлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (XXIII боб, 117-модда), “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги (1991 йил 18 ноябрь), “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги (янги таҳрири, 2003 йил 29 август), “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги (1994 йил 5 май), “Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи кафолатлари тўғрисида”ги (1994 йил 5 май), “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги (1998 йил 30 апрель) Қонунлар асосида ташкил этилади ва ўтказилади.

Давлатнинг энг муҳим масалалари фуқаролар хоҳиш-иродаси билан ҳал этилиши демократиянинг муҳим тамойилларидан биридир. Давлат ҳокимиятини шакллантиришда сайловлар ва демократик тамойиллар муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда сайловларнинг очиқлиги, ошкоралиги сайлов тизимининг энг муҳим демократик белгисидир. Вакиллик органларининг умумий сайлов йўли билан ташкил этилиши алоҳида ва кўп қиррали аҳамиятга эга. Умумхалқ сайлови аввало, давлат ҳокимиятини амалга оширишда фуқаролар иштирокининг энг муҳим шакллари билан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи кафолатланиши алоҳида мустақамланган.

Мустақиллик йилларида халқаро ҳуқуқ андозалари ва талаблари, илғор хорижий тажриба ва миллий-тарихий анъаналар ҳамда конституциявий принциплар асосида қабул қилинган қонунларда Ўзбекистон Республикасининг сайлов ҳуқуқи ва сайлов тизимининг асосий принциплари ўз аксини топган.

Юқорида қайд этилган қонунлар ўтказилган сайловларда тўпланган тажрибалар, кўппартиявийликнинг ривожланиши ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалиб бориши натижасида такомиллашиб борди. Ушбу қонунлар давлат ҳокимиятини демократик сайловлар орқали шакллантириш бўйича умумэтироф этилган халқаро принциплар ва ҳуқуқий нормаларга тўлиқ мос келади ва энг асосийси, уларда барча турдаги сайловларни адолатли ва эркин, умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказиш принципларини тўлиқ таъминлашга қаратилган етарли ташкилий-ҳуқуқий механизмлар акс этган.

Ўзбекистонда сайлов қонунчилиги ривожланишини қуйидаги уч босқичга бўлиш мумкин:

Биринчи босқич (1991-1995 йй.) – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳамда бир палатали Олий Мажлисни кўппартиявийлик асосида шакллантириш билан боғлиқ даврни ўз ичига олади.

Бу даврда олий ва маҳаллий вакиллик органларига сайлов тўғрисидаги Қонунларнинг қабул қилиниши билан умумэтироф этилган принциплар орқали кўппартиявийликка асосланган, муқобил сайловларни ташкил этишнинг ҳуқуқий базаси яратилди. Жумладан, 1994 йил 5 майда муҳим ҳужжат – “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши билан фуқароларга сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш ва уларнинг ўз хоҳиш-истакларини эркин ифодалаш механизми жорий этилди.

Иккинчи босқич (1995-2000 йй.) – биринчи босқич даврида миллий сайлов қонунчилиги асосида ўтказилган парламент сайловларида тўпланган амалий тажрибага мувофиқ сайлов тизимининг демократик асосларини мустаҳкамлаш ва қонунларга тегишли ўзгартишлар киритиш каби тадбирларни ўз ичига олади.

Жумладан, бу босқичда сайловларни ташкил этиш ва натижаларини аниқлашда ҳолисликни таъминлаш ҳамда турли эҳтиросларга йўл қўймаслик мақсадида мустақил орган – Марказий сайлов комиссиясини тузиш борасида, “Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги (1998 йил 30 апрель) Қонун қабул қилинди ва мамлакатимиз тарихида илк бор демократик йўл билан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тузилди. Сайлов қонунчилигимизга сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлган, энг ривожланган демократик давлатлар тажрибасида ҳам камдан-кам учрайдиган мутлақ ваколатларнинг Марказий сайлов комиссиясига берилишини кўзда тутадиган ўзгартишлар киритилди. Амалдаги қонунчилигимизга кўра, сайлов кампанияси жараёнига давлат ва ҳокимият тузилмалари, жамоат бирлашмалари томонидан аралаштиришга қаратилган ҳар қандай уриниш қонун билан тақиқланганлиги сайловларнинг адолатли ўтказишга хизмат қилмоқда.

1999 йил 19 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар ҳамда халқ депутатлари, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар тўғрисидаги қонунларга бир қатор жиддий қўшимчалар ва ўзгартиришлар

киритилди. Уларга кўра депутатликка мустақил номзодларни илгари суришни кучайтириш, Ўзбекистонда кўппартиявийлик ва сиёсий фикрлар хилма-хиллигини таъминлашга қаратилган кенг шарт-шароитлар яратишга қаратилган нормалар ҳам мустаҳкамланди.

Сайлов жараёнининг муҳим субъектлари саналган сиёсий партиялар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонунининг 1996 йилнинг декабрида қабул қилиниши билан 1999 йилда ўтказилган парламент сайловларига янги ҳуқуқий замин яратилди. Сиёсий партияларнинг ўзларининг дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, Олий Мажлисда ўз сиёсатини уюшган ҳолда амалга ошириш учун парламент фракцияларини ташкил этишининг қонуний кафолатлари вужудга келди. Энг муҳими, сиёсий партияларнинг сайлов тартиб-қоидаларига риоя қилинишини назорат этиш бўйича ваколатлари кенгайди ва номзод кўрсатган сиёсий партия ҳар бир сайлов участкасига ўз кузатувчисини тайинлаш ҳуқуқига эга бўлди. 1999 йилда ўтказилган парламент сайловларида фуқаролар иккинчи маротаба бир нечта номзод орасидан ўзларига маъқул номзодларга овоз бердилар. Бу сайловларда рақобат янада кучли, сайловчиларнинг номзодларга нисбатан талаблари эса янада юқори бўлди.

Учинчи босқич (2000-2014 йй.) – мамлакатимизда фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври бўлиб, иқтисодий-барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётни, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислоҳ қилишда муҳим роль ўйнаган давр бўлди. Бу давр бевосита икки палатали парламент тизимига ўтиш билан боғлиқ сайлов қонунчилигининг тадрижий тараққиётига асосланган учинчи босқичнинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 2000 йил 25 майда бўлиб ўтган иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясидаги “Ўзгариш ва янгиланиш – ҳаёт талаби” маърузасида: “... ҳаёт ўзгариши билан, одамларимизнинг аввалги сиёсий ва маънавий онги улғайиши билан, бизнинг парламентимизнинг ташкил этилишида ҳам, унинг фаолиятида ҳам ўзгаришлар бўлиши табиий. Шу ҳолатларни назарда тутиб, мен доимий асосда ишлайдиган икки палатали парламент тизимига ўтиш таклифини киритмоқчиман”¹ - деб, илгари сурган мазкур ғояси бу даврда қабул қилинган қонун ижодкорлиги фаолияти дастурида марказий бўғин бўлди. Бунда қуйи палата – Қонунчилик палатасини шакллантиришда асосан партиявий вакиллик принципи устувор бўлди.

Сиёсий партия вакилларининг ўз ижтимоий-сиёсий қарашлари ва сайловчилар манфаатларини ифодалаш учун кенг имкониятлар яратилди. Парламентнинг юқори палатаси – Сенат ҳудудий вакиллик органи сифатида эътироф этилди ҳамда унинг асосий таркиби поғонали сайловлар асосида шаклланиши конституциявий қонунда мустаҳкамлаб қўйилди.

¹ Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Асарлар, 8-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 483-бет.

2002 йилда ўтказилган умумхалқ референдуми қарорлари натижасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига киритилган ўзгартишлар натижасида “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов тегишлича уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда – декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилади”², дейилган қонуннинг мустақамланиши сайлов жараёнининг бошланиш муддатига аниқлик киритди.

Давлат бошқарувини демократлаштириш ва янгилаш ҳамда эркинлаштириш шароитида Президент ваколат муддатининг ўзгартирилиши ва айрим ваколатларининг Сенат ва Бош вазирга ўтказилиши, шунингдек, икки палатали парламентнинг барпо этилиши “Сайлов тўғрисида”ги қонун ўзгаришига олиб келди. Шу боис 2003 йилнинг 29 августида “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонун янги тахрирда қабул қилинди ҳамда “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонунга тегишли ўзгартиришлар киритилди. Шундай қилиб, икки палатали парламентга сайловлар учун зарур норматив-ҳуқуқий база яратилди. Унда сайлов ҳуқуқига оид халқаро стандартлар ва сайлов тизимини ривожлантириш тажрибаси, шунингдек, мамлакатда парламентаризм тараққиётининг миллий хусусиятлари эътиборга олинди. Масалан, 2004 йилги сайловларга қадар сайлов қонунчилигига жорий этилган энг муҳим янгилликлар қаторида – маҳаллий Кенгашларнинг депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи бекор қилинганлиги, сиёсий партиялар депутатликка номзодлар кўрсатганида хотин-қизлар учун квота белгиланганлиги, шунингдек, сайловолди ташвиқотини олиб боришда партиялар фаолиятини молиялаштириш масаласининг ҳал этилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. 2004 йил 30 апрелда “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги Қонун эса партияларга сайловолди курашини фаол ва мазмунли тарзда ўтказишларига қўшимча имкон яратди.

Шунингдек, 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бошқарувини янгилаш ва демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий Қонуннинг қабул қилиниши сиёсий партияларнинг давлат бошқаруви ва парламент фаолиятидаги иштирокини янги поғонага кўтарди. Бу эса, сиёсий партияларнинг сайловлар орқали давлат ҳокимиятини шакллантиришга бўлган интилишлари учун янада кенг имкониятлар яратиб беради.

2008 йил 25 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунига кўра Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасининг депутатлик ўринлари сони 120 нафардан 150 нафарга кўпайтирилди. Бунда 135 нафари

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 40 б.

сиёсий партиялардан, 15 нафари эса Ўзбекистон Республикаси Экологик ҳаракатидан уларнинг Конференциясида сайланадиган бўлди. Шунингдек мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида сиёсий партияларнинг роли кучайиб бораётганлигини ҳисобга олиб, сайловларда сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан номзод кўрсатиш амалиёти бекор қилинди. Депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари сони 5 нафардан 10 нафарга оширилди.

Сайловда иштирок этувчи сиёсий партияларнинг рўйхатдан ўтиши учун илгари белгиланган 6 ойлик муддат 4 ойга туширилди. Шунингдек, сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишига рухсат бериш учун белгиланган сайловчиларнинг илгариги 50 минг имзосини тўплаши ўрнига 40 минг қилиб белгиланди.

2008 йил 25 декабрда сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишларга кўра сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқотида иштирок этишида уларга бир мунча мустақиллик берди. Сайловчилар билан учрашувлар депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар томонидан мустақил равишда ўтказиладиган бўлди. Уларни ўтказиш жойи ва вақти, қоида тариқасида, участка сайлов комиссиялари билан келишиб олинади, мазкур комиссиялар бу ҳақда сайловчиларни олдиндан хабардор қилади.

Бунда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш учун жиҳозланган хоналарни ажратиши, зарур маълумот ва ахборот материалларини олишда ёрдам кўрсатади.

2014 йил 16 апрелда қабул қилинган қонунга асосан Конституциянинг 117-моддасига киритилган тузатиш сайлов қонунчилигини либераллаштириш борасида амалга оширилаётган ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Хусусан, Конституцияда “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан фаолиятининг асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиялик, ошкоралик ва адолатлилиқдан иборат бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширади ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги ҳамда референдум тўғрисидаги қонунларига ва бошқа қонунларга амал қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг тавсияси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси комиссия аъзолари орасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдими бўйича комиссия мажлисида сайланади”³, деган конституциявий қоида белгиланди. Бунга кўра Марказий сайлов комиссияси ҳокимият органларининг аралашувисиз сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишни таъминлайдиган мустақил давлат органи сифатида конституциявий мақомга эга бўлди.

Шундай қилиб, мамлакатимизда сайлов қонунчилиги босқичма-босқич ривожланиб борди. Бу жараёнда мамлакатимиз сайлов қонунчилиги Конституция ва сайловларни ўтказишнинг халқаро стандартлари талабларига мос равишда янги поғонага кўтарилди. Булар ўз навбатида, фуқаролар сиёсий-ҳуқуқий онгининг ўсишига катта таъсир кўрсатди.

3. Сайловда қонун устуворлигини қўллаш амалиёти. Ўзбекистон Республикасининг бугунги кун сайлов амалиётида республикаимиз сайлов қонунчилигида акс этган энг муҳим демократик тамойилларни амалга ошириш долзарб масаладир. Бу вазифа Конституция ва “Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги қонунга асосан Марказий сайлов комиссияси зиммасига юкланган.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда қонун устуворлигини қўллаш амалиёти Марказий сайлов комиссияси зиммасида бўлиб, у фаолиятини коллегиялик, ошқоролик, адолатлилиқ тамойиллари асосида олиб бориши сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда қонун устуворлигини қўллаш амалиётида муҳим ўрин тутди. “Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасига кўра Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов кунини ва сайлов кампанияси бошланганлигини эълон қилади. Сайловларни ва референдумларни ўтказиш бўйича округ сайлов комиссияларини тузади. Сайловда иштирок этувчи сиёсий партияларни ва уларнинг номзодларини рўйхатга олади. Умумий тарзда олганда бутун сайлов жараёнини бошқаради.

Бундан ташқари, Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловга оид ишлаб чиқилган турли Низомлар ва Йўриқномалар сайловларда қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади. Масалан, Марказий сайлов комиссиясининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни молиялаштириш ҳамда маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома”си (2014 йил 11 сентябрдаги 618-сонли қарори билан тасдиқланган) сайловга давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларни қонуний тақсимланишини таъминласа, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан қатнашадиган кузатувчилар тўғрисидаги Низом”га кўра халқаро кузатувчиларни рўйхатга

³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 16-сон, 176-модда.

олади ва уларга ўз фаолиятини амалга оширишларига кўмаклашади. Сайловларни ўтказишда хорижий кузатувчиларнинг ҳозир бўлиши давлатимиз учун сайлов жараёнининг обрўсини оширади. Бундай кузатувчилар сайлов жараёнига аралашмаган ҳолда иштирок этиб мамлакатимизда фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг амалга оширишлари учун қай даражада шароит яратиб берилганлигига ва унинг натижаси ўлароқ мамлакатимизда демократик жараёнлар қандай кечаётганлигига баҳо берадилар.

Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида сайловолди ташвиқотини амалга оширишда депутатликка номзодлар, сиёсий партияларнинг оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши тартиби тўғрисидаги Низом” сиёсий партияларга сайловолди кампаниясида ўз Дастурларидан келиб чиқиб тарғибот-ташвиқот олиб боришлари учун тенг шароит яратиб беради. Бу эса сайловда қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи уларнинг энг муҳим сиёсий ҳуқуқидир. Уни амалга ошириш вақтинча ушлаб турилганлар, қамоқда сақланаётганлар учун ҳам тегишлидир. Бу масаланинг қонуний ечими Марказий сайлов комиссиясининг 2014 йил 11 сентябрда қабул қилинган “Қамоқда сақлаш жойларида сайлов участкаларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низом”да қайд этилган бўлиб, унга кўра:

- жиноят содир этганликда гумон қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 221-моддасида назарда тутилган асослар бўйича ушлаб турилган шахслар;
- Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг нормаларига мувофиқ ўзига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган гумон қилинувчи ёки айбланувчи шахслар;
- жиноят содир этганликда гумон қилиниб ушлаб турилган шахсларни ёхуд ўзига нисбатан қамоққа олиш тартибидаги эҳтиёт чораси қўлланилиб, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати органларининг тергов ҳибсхоналарида сақланаётган шахслар учун сайлов ҳуқуқини амалга ошириши учун имконият яратиб берилади.

2014 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтказилган сайловлар сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда сайлов тўғрисидаги қонун талабларини қўллаш амалиёти ўзини оқлади.

Хулоса сифатида айтиш жоизки, мамлакатимизда сайлов қонунчилигини амалиётда қўлланилиши мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг таркибий қисмига айланди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. [www. Lex.uz](http://www.lex.uz). Электрон варианты.
2. Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонунлари. – Тошкент: “Адолат”, 2014.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонуни. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2014.

**Қарши муҳандислик – иқтисодиёт институти “Ўзбекистон тарихи”
кафедраси доценти Холиқулов Пирнафас томонидан “ZiyoNet” сайтига
жойлаштирилган “Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда
қонун устуворлигини қўллаш амалиёти” мавзусидаги илмий**

мақоласига

ТАҚРИЗ

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг энг муҳим сиёсий ҳуқуқларидан бири давлат вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидир. Фуқаролар сайлов ҳуқуқи орқали давлатни идора этишда, давлат ҳаётига оид энг муҳим сиёсий масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал этишда иштиши баён қилинган.

Сайлов тушунчаси вакиллик органларининг овоз бериш йўли билан ташкил этиш тартибидир. Вакиллик органларини сайлаш жараёнида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар Ўзбекистон давлат ҳуқуқининг муҳим институти бўлиб, сайлов ҳуқуқи деб аталади келтирилган.

Сайлов ҳуқуқи фуқаронинг сайловдаги иштироки, вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш субъектив ҳуқуқи ҳамдир.

Сайлов ҳуқуқи сайлаб қўйиладиган давлат органларини шакллантиришни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар тизимидир. Сайлов ҳуқуқининг манбалари Конституция, давлатнинг олий ва маҳаллий вакиллик органларига сайловлар ҳақидаги қонунларидир.

Давлатнинг энг муҳим масалалари фуқаролар хоҳиш-иродаси билан ҳал этилиши демократиянинг муҳим тамойилларидан биридир. Давлат ҳокимиятини шакллантиришда сайловлар ва демократик тамойиллар муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда сайловларнинг очиқлиги, ошкоралиги сайлов тизимининг энг муҳим демократик белгисидир. Вакиллик органларининг умумий сайлов йўли билан ташкил этилиши алоҳида ва кўп қиррали аҳамиятга эга. Умумхалқ сайлови аввало, давлат ҳокимиятини амалга оширишда фуқаролар иштирокининг энг муҳим шаклларида биридир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи кафолатланиши алоҳида мустаҳкамланган.

Мустақиллик йилларида халқаро ҳуқуқ андозалари ва талаблари, илғор хорижий тажриба ва миллий-тарихий анъаналар ҳамда конституциявий принциплар асосида қабул қилинган қонунларда Ўзбекистон Республикасининг сайлов ҳуқуқи ва сайлов тизимининг асосий принциплари ўз аксини топган.

Умуман олганда ушбу мавзу бўйича етарлича маълумотлар берилган муаллиф томонидан илгари сурилган фикр-мулоҳазалар етарли даражада. Ушбу мулоҳазавий фикрни “ZiyoNet” тармоғига жойлаштириш учун таклиф этиш мумкин деб ҳисоблайман.

**“Ўзбекистон тарихи”
кафедраси мудири профессор**

Ю. А. Эргашева

**Қарши муҳандислик – иқтисодиёт институти “Ўзбекистон тарихи”
кафедраси доценти Холиқулов Пирнафас томонидан “ZiyoNet” сайтига
жойлаштирилган “Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда
қонун устуворлигини қўллаш амалиёти” мавзусидаги илмий мақоласига
ТАҚРИЗ**

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг энг муҳим сиёсий ҳуқуқларидан бири давлат вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидир. Фуқаролар сайлов ҳуқуқи орқали давлатни идора этишда, давлат ҳаётига оид энг муҳим сиёсий масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал этишда иштиши баён қилинган.

Сайлов тушунчаси вакиллик органларининг овоз бериш йўли билан ташкил этиш тартибидир. Вакиллик органларини сайлаш жараёнида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар Ўзбекистон давлат ҳуқуқининг муҳим институти бўлиб, сайлов ҳуқуқи деб аталади келтирилган.

Сайлов ҳуқуқи фуқаронинг сайловдаги иштироки, вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш субъектив ҳуқуқи ҳамдир.

Сайлов ҳуқуқи сайлаб қўйиладиган давлат органларини шакллантиришни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар тизимидир. Сайлов ҳуқуқининг манбалари Конституция, давлатнинг олий ва маҳаллий вакиллик органларига сайловлар ҳақидаги қонунларидир.

Давлатнинг энг муҳим масалалари фуқаролар хоҳиш-иродаси билан ҳал этилиши демократиянинг муҳим тамойилларидан биридир. Давлат ҳокимиятини шакллантиришда сайловлар ва демократик тамойиллар муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда сайловларнинг очиқлиги, ошкоралиги сайлов тизимининг энг муҳим демократик белгисидир. Вакиллик органларининг умумий сайлов йўли билан ташкил этилиши алоҳида ва кўп қиррали аҳамиятга эга. Умумхалқ сайлови аввало, давлат ҳокимиятини амалга оширишда фуқаролар иштирокининг энг муҳим шакллари билан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи кафолатланиши алоҳида мустаҳкамланган.

Мустақиллик йилларида халқаро ҳуқуқ андозалари ва талаблари, илғор хорижий тажриба ва миллий-тарихий анъаналар ҳамда конституциявий принциплар асосида қабул қилинган қонунларда Ўзбекистон Республикасининг сайлов ҳуқуқи ва сайлов тизимининг асосий принциплари ўз аксини топган.

Умуман олганда ушбу мавзу бўйича етарлича маълумотлар берилган муаллиф томонидан илгари сурилган фикр-мулоҳазалар етарли даражада. Ушбу мулоҳазавий фикрни “ZiyoNet” тармоғига жойлаштириш учун таклиф этиш мумкин деб ҳисоблайман.

**“Ижтимоий фанлар”
кафедраси мудири ф.ф.н**

Ж.Ш. Шоназаров

